

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЎҚИТИШ

¹ **Мамашаев Баҳром Сафарович,**

² **Файзуллаев Олламурад Тўхтамуродович**

¹ Термиз муҳандислик-технология институти ўқитувчиси

² Термиз муҳандислик-технология институти талабаси

***Аннотация:** Ушбу мақолада Ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатадиган ҳар бир ишчи ва ходим ўзига бириктирилган ишни хавфсиз бажариши учун меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича чуқур билимга эга бўлишлари зарур. Бунинг учун эса ишчи ва ходимларни меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича малакали ўқитиш тизимини жорий қилиш орқали юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мумкин масалар ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:** Меҳнат хавфсизлиги, йўриқнома, хавфсизлик техникаси, ишчи ва ходимлар, хавфсизлик қоидалари.*

Меҳнат муҳофазасига ўқитишни ташкил қилиш ва билимларни текшириш бўйича намунавий низомда (№ 272, 14.08.1996) барча корхона, ташкилот, муассаса, институт, илмий-тадқиқот ташкилотлари, бирлашма, ассоциация. Корпарация, холдинг, тармоқ, вазирлик ва бошқа мулк шаклидан қатъий назар малака талаблари ҳажмида ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар учун меҳнат муҳофазасидан билимларни мажбурий назорат қилиш тартиби белгиланган.

Корхонага ишга кираётган ҳар бир ходимга хавфли иш усуллари бўйича йўриқнома, махсус малака олгандан ва билими текширилгандан кейин мустақил ишлашга рухсат берилади. Буғ ва иссиқлик қозонлари, юк кўтариш

кранлари, босим остида ишловчи идишлар, электр ускуналари, махсус ускуналар каби хавфли ишларда ишловчиларга махсус ўқув курсларини битирганлари ҳақида ҳужжатлари бўлсагина ишлашга рухсат берилади. Ходимларни хавфсиз иш усулларига ўқитиш ва уларни тўғри ташкил қилиш бўйича умумий раҳбарлик ҳамда жавобгарлик корхона раҳбарларига ва бошқарув ташкилотларига юкланади. Цехларда, бўлимларда ишчиларни ва усталарни хавфсиз иш усулларига ўргатиш шу цех ҳамда бўлим раҳбарларига, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли ўқитишни назорат қилиш эса меҳнат муҳофазаси бўлимлари зиммасига юклатилади.

Ишлаб чиқаришдаги барча ишчилар ишлаб чиқариш жараёнининг характери ва хавфсизлик даражасидан қатъи назар меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, билимлари текширилиб кўрилгандан кейин ишга ишга рухсат берилади. Ишчи ва ходимларни меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари бўйича ўқитиб, чуқур билимга эга бўлишлари учун уларга йўриқнома (инструктаж)лар ўтиш орқали амалга оширилади. Йўриқномалар мазмуни, хусусияти ва ўтказилиш даврига боғлиқ ҳолда қуйидаги турларга бўлинади:

Кириш йўриқномаси. Кириш йўриқномасини корхонадаги хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис корхона раҳбари ёки бош муҳандис ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тасдиқланган дастур асосида ўтказилши керак. Кириш йўриқномасини меҳнат муҳофазасига ва техника хавфсизлигига оид замон талабига тўлиқ жавоб берадиган воситалар ва кўргазмали қуроллар билан тўлиқ жиҳозланган, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига тўлиқ жавоб берадиган хоналарда ўтказиш керак бўлади.

Кириш йўриқномаси. Барча ишга янги кирувчилар, бошқа корхоналардан хизмат сафарига жўнатилганлар (иш малакаси ва стажидан қатъий назар) амалиёт ўтаётганлар ва шогирдлар кириш йўриқномасини ўтадилар. Уни корхонанинг меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходими ёки шу вазифа юклатилган бошқа раҳбар ходим ўтказиши керак. Агар ишга қабул қилиш бевосита

цехларда амалга оширилса, кириш йўриқномасини шу цехнинг бошлиғи ўтказиши керак.

Шикастланганларга дастлабки ёрдам кўрсатиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа махсус масалалар бўйича йўриқномаларни тегишли мутахассислар олиб борадилар.

Кириш йўриқномаси гуруҳ билан ва якка тартибда ўтказилиши мумкин. Гуруҳ билан ўтказилганда эшитувчилар сони 10 кишидан ошмаслиги керак.

Кириш йўриқномаси ўтказилганлиги ҳақида махсус журналга ва ишчи кўлига топшириладиган ишга кириш варақасига ёзиб қўйилади.

Кириш йўриқномаси қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши керак:

- Корхонанинг иш режими ва ички тартиб-қоидалари билан таништириш;
- меҳнат интизомининг меҳнат хавфсизлигига таъсири;
- меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа шартномалари;
- корхонада содир бўлиши мумкун бўлган бахтсиз ходисалар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари;
- ёнғин келиб чиқишини олдини олиш учун ўтказиладиган тадбирлар;
- электр хавфсизлигининг асосий қоидалари;
- юкларни кўтариб туширишдаги хавфсизлик қоидалари;
- химиявий моддалар билан ишлашдаги хавфсизлик қоидалари;
- ишга келиш ва ишдан қайтиш вақтида хавфсизлик қоидалари;
- махсус кийим бошлар ва сақлаш қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари;
- жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш тартиби ва қоидалари;
- иш вақтида ичкиликбозликка қарши курашиш тадбирлари;
- жамоа ўртасида маънавий ва маърифий онғни юксалтиришга қаратилган тадбирлар;

Кириш йўриқномаси дастурига киритилиши лозим бўлган масалалар маҳаллий шароитлар, ишлаб чиқариш хусусияти ва ишга қабул қилинган ишчининг касбига боғлиқ ҳолда қўшимча тадбирлар билан тўлдирилиб борилиши мумкун. Ушбу йўриқнома махсус журналга қайд этилиши лозим.

Барча ишчилар кириш йўриқномасидан ташқари иш жойида ўтказиладиган йўриқномаларни ҳам билишлари лозим. Иш жойида ўтказиладиган йўриқномадан мақсад ҳар бир ишчини тўғри ва хавфсиз иш усулларига ўргатиш ҳисобланади. Йўриқномани ўтказиш жараёнида ишчига у ишлайдиган ускунада бажариладиган технологик жараён, унинг ҳаракат узатиш механизми, хавфли жойлари, конструктив хусусиятлари, пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфлар, ишни хавфсиз бажариш усуллари, иш жойини тўғри ташкил қилиш ва шу каби масалалар тушунилади.

Йўриқнома ўтказиш ишчининг бевосита раҳбари бўлган устага юклатилади. Айрим зарур ҳолларда бу йўриқнома тегишли мутахассислар (механик, энергетик, технолог) лар иштирокида ўтказилади.

Ходимларга электр хавфсизлиги бўйича йўриқнома ўтказиш ва малака гуруҳи бериш корхона бош энергетиги зиммасига юклатилади.

Иш жойида ўтказиладиган йўриқнома ишни хавфсиз олиб бориш қоидалари асосида цех бошлиқлари томонидан тузилган ва корхона бош муҳандиси тасдиқлаган дастур бўйича олиб борилади. Бу йўриқномалар рўйхатини корхона бош муҳандиси касаба уюшмаси раиси билан биргаликда тасдиқлайди. Иш жойида ўтказиладиган дастлабки йўриқнома ишчини мустақил ишлашга қўйишдан олдин ёки иш характери ўзгарган ҳолларда ўтказилиши керак бўлади.

Корхонага ишга қиратган шахс касбий малакасини малакали ва тажрибали ишчига бириктириб қўйиш орқали оширади. Бундай бириктириб қўйиш цех бошлиғининг вазифаси ҳисобланади.

Дастлабки йўриқнома ўтказиш йўриқномаларни расмийлаштириш журналигаёзиб қўйиш орқали мустаҳкамланади. Барча ишчилар ўта хавфли ишларни бажаришга вазифа олишларидан аввал жавобгар раҳбар томонидан йўриқнома олишлари ва бу ҳақда журналга хавфсизлик чоралари кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилиши керак.

Иш жойидаги бирламчи йўриқнома. Ушбу йўриқнома ҳам корхона раҳбари (ёки бош муҳандис) ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тасдиқланган дастур асосида ўтказилади.

Иш жойидаги бирламчи йўриқнома дастурига асосан қуйидагилар киритилиши мумкун:

- иш жойидаги технологик жараёнлар ва ташкилий-техник қоидалар, иш жойини ташкил этишга қўйилган талаблар;
- машина ёки қурилманинг тузилиши, ишлаш тартиби, техник маълумотлари ва унинг хавфли зоналари;
- ишни бажаришдаги хавфсизлик қоидалари;
- машина ёки қурилмалардан фойдаланишнинг хавфли зоналари;
- электр жиҳозлари ва улар билан ишлаш қоидалари;
- иш жойининг ёки иш майдонининг хавфли зоналари;
- иш жойидаги “сигнализация” ва ундан фойдаланиш қоидалари.

Юқорида қайд этилган масалалардан ташқари йўриқнома, ишнинг турига ишчининг малакасига боғлиқ ҳолда бошқа тадбирлар билан ҳам тўлдирилиши мумкун.

Навбатдаги (режадаги) йўриқнома хусусияти ва хавфлилик даражасига боғлиқ ҳолда иш жойидаги бирламчи йўриқномадан 3 ёки 6 ой ўтгач ўтказилади. Ушбу йўриқнома ишчиларни меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича билимларини ошириш ҳамда текшириш мақсадида ўтказилади. Йўриқномани ўтказишда иш жойидаги бирламчи йўриқнома дастури асос қилиб олинади.

Навбатдан (режадан) ташқари йўриқнома ишлаб чиқариш технологиялари ўзгарганда, янги техника воситалари жорий этилганда, ишчи бир ишдан бошқа ишга ўтказилганда, бахтсиз ҳодиса рўй берганда ёки хавфсизлик техникаси қоидалари бузилган вақтларда ўтказилади.

Курс ўқишлари. Ишлаб чиқариш жараёни даврида бажариладиган ишнинг турига ва хусусиятига боғлиқ ҳолда ишчилар ва техник ходимлар

меҳнат муҳофазаси бўйича курс ўқишларига юборилдилар. Курс ўқишлари олий ўқув юртлари қошидаги малака ошириш курслари ёки факультетларида ҳамда илмий текшириш институтларида махсус дастур асосида олиб борилади. Меҳнат муҳофазаси бўйича курс ўқишларидан сўнг имтихондан ўтган ишчи ва ходимларга гувоҳнома берилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abduraxmanov O.K. O‘zbekiston Respublikasida mehnatni muhofaza qilish tizimini boshqarish samaradorligini oshirish. T.: Fan., 2010. – 326 b.
2. Yuldashev O.R. Mehnat muhofazasi maxsus kursi./ Darslik. –T.: “Tafakkur qanoti”, 2015. – 336 b.
3. Popova N.A. Korxonada tashkil etish, normalash va ish haqi: Darslik. - M.: Finpress, 2011. - 176 p.
4. Ibragimov E.I., Gazinazarova S., Yuldashev O.R. Mehnat muhofazasi maxsus kursi. Darslik.-T.: TIMI, 2014.-536 b.
5. Razdorojniy A.A. Mehnatni muhofaza qilish va sanoat xavfsizligi. M.: Imtihon, 2017 yil.
6. Roik V.D. Mehnat sharoitlari va mehnatni muhofaza qilishni boshqarish. Qo‘llanma. M.: RAGS, 2014 yil.
7. Solovyov A.P. Davlat va mehnatni muhofaza qilish: asr boshidagi boshqaruv tizimi. Muammolar. Yechimlar. Prognozlar. M.: VTSOT, 2010. - 132 b.
8. Fomin A.D. Mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha qo‘llanma. M.: Aproxim-Press, 2013. - 224 b.